



Фаргона вилояти

Хушхабар
ЙИЛИГА
2,4
МИЛЛИОН

ДОНА МАҲСУЛОТ

қўшма корхонада янги линия ишга туширилди
«Uzsungwo» МЧЖ қўшма корхонасида 10 йилдан буюн юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун катта ва ўрта ўлчамдаги 300 дан ортиқ штамп-пайвандланган қисмлар тайёрланади.

Яқинда мазкур корхонада 10 миллион долларлик лойиҳа қийматига эга металлларга қиздирилган ҳолда ишлов бериш линияси ишга туширилди. Энг сўнги технологиялар асосида ишловчи цех тўлиқ автоматлашган бўлиб, Schuler, Prima Power, Benteler ва Aotto каби дунёнинг энг олд машинасозлик компанияларида ишлаб чиқарилган пўлат ўрамдан керакли ўлчам олиш, қиздириб пресслаш, лазерда кесилуш ускуналари ўрнатилган.

Янги линия ишга туширилиши натижасида корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 95 миллион долларга етади. Ушбу технологик жараённинг ўзлаштирилиши юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Tracker» ва «Onix» русумли автомобиллар учун 20 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш имконини ҳам берди. Металлларга қиздирилган ҳолда ишлов бериш линиясида йиллик қиймати 19 миллион долларликдан зиёд 2,4 миллион донна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Яна бир муҳим жиҳат, лойиҳанинг ишга тушиши 120 та янги иш ўрни яратилишига имкон берди.

Ғофуржон НУРМАТОВ,
«Uzsungwo» МЧЖ қўшма корхонаси қўрилиш бўйича муҳандиси

БОСМА НАШРЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: нималарга боғлиқ бўлиб қолмоқда?

«... Ғоҳида катта-катта вазирликлар, бообрў мулозимлар «facebook»да чиққан сичқоннинг қулоғидай мурожаатга ҳам эътибор қилишади. Марказий нашрларда чиққан саҳифа-саҳифа муаммоли мақолаларни ўқиб ҳам кўрмайди. Бу нимадан дарак беради? Бу тизимларимизда мувозанатнинг йўқолганидан, очикроғи, масалалар чалкаштириб ташланганидан дарак беради. Мана, қаранг-да, баъзи бир катта аъёнларимиз, масалан, дунёнинг бир бурчагида ўтириб фитнес тарқатаётган кимсанинг ёлғон-яшиқ хабари билан ҳисоблашади, лекин давлат муассислигида бўлган ўз газетасидаги мулоҳазага эътибор ҳам бермайди. Буни қандай тушуниш мумкин?»

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
3 ноябрь
пайшанба
№ 134-135 (4731)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Тақдирлаш

«МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ»

танлови ғолибларига мукофот маблағлари топирилди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» ижодий ишлар танлови ўтказилган эди.

Танловнинг республика босқичида 45 нафар ўқувчи иштирок этиб, 1-ўринга 1 нафар, 2-ва 3-ўринга 2 нафардан – жами 5 нафар иқтидорли ўқувчи лойиҳа деб топилганди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитаси ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги қўшма қарорига мувофиқ, ғолибликни қўлга киритган республика босқичи иштирокчилари (1-, 2-, 3-ўрин) 2022-2023 ёки 2023-2024 ўқув йилида республикадаги олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари натижаларига қўра, тўлов-шартнома асосида (табақалаштирилган тўлов-контракт бундан мустасно) талабалikka қабул қилинган тақдирда, кўрсатган натижаларига қараб, 4, 3 ва 2 йиллик шартнома маблағлари тўлаб берилиши белгиланган эди. Шунингдек, грант асосида талабалikka қабул қилинган тақдирда ҳам белгиланган маблағлар танлов ғолибига берилиши кўзда тутилган.

Мана, бу йилги ўқув йилида 5 нафар ғолибнинг уч нафари умумтаълим мактабидаги ўқишини тамомлаб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди. Уларга

– Қизим танловда ғолиб бўлган куни хурсандчилигимдан кўзларим ёшланганди, – дейди Гулфёруз Сарибоевнинг отаси Боранбай Сарсенбаев. – Ўзим оддий ишчиман, шунга қарамасдан, икки ўғлимни ҳам олий маълумотли қилдим. Гулфёруз кенжа-тойим, унинг яши ўқиши учун оиламизда ҳамма шароитни яратиб беришга ҳаракат қиляпман. Ортиқча маблағим бўлганда китоб олиб келардим, онасига ҳам қизимизни уй ишларига кўмиб қўймадман, унинг ўқимишли қиз бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозимлигини ўқитардим. Чунки унда ўқиш иштиёқи кучли эди. Мана, яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тўлов шартнома пули тўлаб эрилди. Бундан бениҳоя севиндим. Барча оталарга ҳам фарзандининг ортидан суюниб юриш натижасида тилайман.

– Мукофотни қабул қилар эканман, Ҳазорасп туманидаги 2-мактабда ўқитган устозларим – Ойгул Бобожонова, Ҳотам Бобожонова ва Барногул Ражабовалар кўз ўнгимдан ўтди, – дейди Марварид Рустомова. – Улар ўз ишининг фидойилари бўлмаганида, менинг шеърларим-у кичик ҳикояларимга эътиборсиз бўлганларида, бугун шу манзилгача етиб келмаган бўлардим. Уларнинг савий-ҳаракатлари ва маслаҳатларига амал қилиб, грант асосида ўқишга кирдим. Эндиликда мазкур мукофот пулини қўшимча тилларни ўрганишга, керакли адабиётларни сотиб олишга сарфламоқчиман. Биз ёшларга шундай шароитлар яратиб бераётгани учун, аввало, Президентимизга, қолаверса, Касаба уюшмалари Федерациясига чуқур миннатдорлик билдираман.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



«ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ», «ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ», «ЭНГ НАМУНАЛИ ИШ БЕРУВЧИ АЁЛ», «ЭНГ ЯХШИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ», «ЭНГ ЯХШИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ»
РЕСПУБЛИКА
ТАНЛОВЛАРИНИНГ
2022 ЙИЛГИ
ҒОЛИБЛАРИ
АНИҚЛАНДИ.

ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛАРИГА
ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ СИФАТИДА:

I ЎРИН учун
диплом ва «Жентра» автомобили;

II ЎРИН учун
диплом ва «Кобальт» автомобили;

III ЎРИН учун
диплом ва «Спарк» автомобили топирилади.

Тантанали тақдирлаш тадбири
2022 йил 11 ноябрь –
Ўзбекистон касаба уюшмалари куни
арафасида ўтказилади.

Ғолиб ва совриндорлар билан
>>> 4-,5-,6-саҳифаларда танишасиз.



Хоразм вилояти

«Биз «Ishonch»дан куч оламиз»



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» жамоасининг хоразмлик газетхонлар билан бу галги ижодий мулоқоти ҳам самимий руҳда, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Тадбирда иштирок этган касаба уюшма фаоллари, маҳаллий ОАВ вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг сеvimли нашр ҳақида айтар сўзлари, таклифлари кўп бўлди.

– Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг нафақат жамиятда, балки, халқаро миқёсда ҳам нуфузи ошиб бормоқда, – дейди Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Эргаш Юсупов. – Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари мамлакатимизда давом этаётган изчил ислохотлар жараёнида энг катта жамоат ташкилоти сифатида халқимизни тараққиёт йўлида бирлаштирмоқда. Бунда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ҳам ўрни беқиёс. Ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англашимизда, шунга ҳамроҳанг фаолият кўрсатишимизда газеталарнинг хизмати катта десам ҳеч муболаға қилмаган бўламан.

Тадбирда сўзга чиққан газета Бош муҳаррири ўринбосари Турдикул Бўтаёровнинг тахририят фаолияти ва ижодий режалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари барчада кизиқтириш уйғотди. Дунёда босма нашрларга эҳтиёж катталиги, бугун мамлакатимиз босма нашрлари синови бошдан кечираётгани, бу барча тахририятлар қатори «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» жамоасини ҳам янги ғоялар устида излашига ундаётгани, жумладан, публицистика жанрлар имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда жамиятда кечяётган жараёнлар танқидий таҳлил қилинаётгани ҳақидаги фикрлар барча мухлисларни мушоҳадага ундади.

– Утган йили «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти билан меморандум имзолаган эдик. Ҳозир ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп, – дейди «Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Солижон Раҳимберганаева. – Босма нашрларнинг тарихий аҳамиятини ҳали ҳам кўпчилик мутасаддилар англагани йўқ. Биз ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф учун курашамиз. Муштарийларга ишончли ахборот етказиш мақсадида тунларни бедор ўтказамиз. Ижтимоий тармоқлардаги тасдиқланмаган, имло ва услубий хатоларга тўла хабарлар ҳеч қачон босма нашрлардаги таҳлилий мақолаларнинг ўрнини боса олмайди. Мен барча нашрларнинг муассислари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан ибрат олишларини жуда-жуда истардим.

– Газетанинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз. Ҳар бир мақолани диққат билан мутолаа қиламиз, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Мияссар Раҳимова. – Бу нашр касаба фаоллари ўзаро тажриба алмашадиган улкан минбар. Истардимки, газетада бошланғич ташкилотлар сиртки ўқиши ташкил қилинса, ҳар ҳафтада бир саҳифа айнан бошланғич ташкилотлар фаолиятини танқидий таҳлил қилишга ва яхшилашга бағишланса, услубий тавсиялар бериб борилса, айти мурдао бўларди. Бойси, касаба уюшмаларининг нуфузи бошланғич

ташкилотларга боғлиқ.

– Биз «Ishonch»дан куч оламиз, – дейди «Ҳаёт кўзгуси» газетаси муҳаррири, халқ депутати Қўшқўпир тумани кенгаши депутати Меҳрибон Тиллаева. – Газетада танқидий-таҳлилий мақолалар кўп берилади ва буни қўтлаш керак. Шахсан мен «Мулоҳаза», «Фикр», «Ора-миздаги одамлар» рухни остида эълон қилинаётган мақолаларни қизиқиб мутолаа қиламан. Газета саҳифаларидан публицистик мақолалар, танқидий шoir ва журналистларнинг чиқишларига ўрин берилаётгани ҳам қувонарли, албатта.

– Тахририят ходимлари билан илк бор учрашяпман, – дейди Урганчдаги итисослашган саъят мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Ражаббиди Атаева. – Бир-биридан ўқишли, таҳлилга бой газеталарни тайёрлаётган инсонлар билан суҳбатнинг гашти ўзгача бўлар экан. Газетачилик қанчалик машаққатли касб эканини ҳис қилдим. Бундай ижодий учрашувлар корхона ва ташкилотларда ҳам ўтказиб берилса, айти мурдао бўларди. Бу жамоага янги ғоялар берса, бизга рағбат бағишлайди.

– Кўплаб газета-журналлар қатори «Ishonch»ни ҳам мунтазам мутолаа қиламан. Айтинса, биринчи саҳифада «Ishonch соволи» рухни остида бериб борилаётган танқидий фикрлар, мутасаддиларга йўланаётган саволлар жамиятимиздаги кўплаб муаммолар ўз вақтида ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўляпти, – дейди Хоразм вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири Азамат Сафаров. – Бугун кўпчилик юрдошларимиз турли вазирликлар, ҳокимликларга мурожаат қилгандан кўра, «Ishonch»га мурожаат қилишни афзал билишяпти. Бойси, газетага йўланган ҳар бир мурожаат эътиборда. Жамоа уларга амалий ечим топмагунча тинчмайяпти. Буни «Мавзуга қайтиб...» рухни остида берилаётган мақолалар, айрим саволлар мутасаддиларга бир неча бор йўланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ижодий жамоага муваффақият тилайман. Фикр-мулоҳазалардан англашиладики, бугун давр портретини яратишда, жамиятни унсурлардан тозалашда, мутасаддиларни мудроқ кайфиятдан халос қилиб, тараққиётга ундашда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг муносиб ҳиссаси бор. Ушбу нашрларда чоп этилаётган мақолалар юз йиллардан кейин ҳам, жадид боболаримиз чоп этган газеталар бугуннинг зиёдиларини руҳлантираётгани каби, келажак авлодларга маънавият-маърифат бағишлаши аниқ.

Дарвоқе, тадбир давомида мухлислар учун ташкил этилган викторина ўйинларида барча фаол иштирок этди. Олий ўқув юртлари проректорлари тахририят томонидан совға қилинган ноб китобларни мамнуният билан қабул қилдилар. Хушовоз хонанда, Урганч шаҳар маданият бўлими мудир Улуғбек Бобожонов ижросидаги куй-қўшиқлар даврага янада файз киритди.

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

«СЕВИМЛИ НАШРИМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоасининг қорақалпоғистонлик муштарийлар билан учрашуви ташкил этилди.



Унда касаба уюшмалари фаоллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда талаба-ёшлар қатнашдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудир Г.Элмуродова ижодий мулоқотни очаркан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, касаба уюшмалари фаолияти ривожланиши ва улар амалга оширган кенг кўламли ишларни оммага етказишдаги хизматлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Сўнгра ушбу нашрлар Бош муҳаррири ўринбосари Турдикул Бўтаёров Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда, жумладан, Оролбўйида олиб борилган ишлар, эришилган муваффақиятлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятидаги ўзгаришлар, бунда

оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусида сўз юритди.

Учрашувда газетани келгусида ҳам қизиқарли қилиб чиқариш, унда аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жараёнларини кенг ёришиб бориш юзасидан жўяли таклифлар билдирилди.

– Эндиликда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» ҳақиқатан ҳам, муштарийларнинг энг сеvimли нашрларидан бирига айланди, – деди Нукусдаги 6-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Нуржамал Алламуратова. – Чунки уларда долзарб мавзуларга бағишланган таҳлилий ва танқидий-таҳлилий мақолалар мунтазам бериб борилмоқда. Шу бойси ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз.

– Бугунги глобаллашув даврида газеталарнинг

ижтимоий тармоқлардаги электрон варианты янада кенгайтирилса, муштарийлар сони кескин ошиши тайин, – дея ўз таклифини ўртага ташлади Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Гулжаҳон Жақсимуратова. – Шунингдек, имконияти чекланган кишилар ҳам газеталарни мутолаа қилишлари учун имконият яратилса, айти мурдао бўлар эди.

Учрашувда иштирокчилар газеталарнинг оммавийлигини таъминлаш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг барчаси тахририят ходимлари томонидан ҳисобга олиниши қайд этилди.

Тадбир якунида тахририят вакиллари томонидан иштирокчилар ўртасида викторина ташкил этилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Довуд ЕСЕМУРАТОВ

Учрашув



Тошкент шаҳри

Мусобақа



Спортда ҳам фаол

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Layner Mountain Resort» МЧЖ тоғ-курорт комплексидан тармоқ касаба уюшмалари фаоллари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

50 нафарга яқин касаба уюшма фаоли иштирок этган мусобақаларда «Шашка», «Стол тенниси» ҳамда «Дартс» спорт турлари бўйича қизгин баҳслар бўлиб ўтди.

Ғолиблар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Хусниддин САИДАЛИЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Наманган вилояти

Танлов



Китобхон ёшлар баҳси

Айти кунларда барча ҳудудларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-11-синф ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Ёзувчи, адиб ва мутафаккирларнинг адабий меросини чуқур ўрганиш, ўқувчи ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танлов Наманган вилоятидаги мавжуд барча мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам бўлиб ўтди.

Шу ўринда Наманган шаҳридаги 53 та умумтаълим мактабларида ҳам ёш китобхонларни саралаш жараёнлари ҳақоний ва шаффоф тарзда ташкил этилди. Унда 13289 нафар ёш иштирок этишди.

Танлов бир босқичда ўтказилиб, унга кўра, тест саволларига тўғри жавоб берган ҳамда битта бадий асарни маҳорат билан шарҳлаган ўқувчи ғолибликни қўлга киритади.

Ушбу шартларда оқори балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритган барча ёш китобхонлар Касаба уюшмалари куни арафасида тақдирланишади.

Акмал УМАРОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



Тошкент вилояти



«Анор» ғолиблари аниқланди

Мамлакатимизда тадбиркор аёллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ғояларини амалга ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан «Анор» республика кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Олти йилдирки ушбу танлов муайян ютуқларни қўлга киритган, янги иш ўринларини барпо этиб, жамият ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган тадбиркор аёллар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Нурафшон шаҳридаги 72-мактабда «Энг яхши ишлаб чиқарувчи», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хизмат кўрсатувчи» номина-

циялари бўйича танловнинг Тошкент вилояти босқичи ғолиблари аниқланди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 100 нафарга яқин тадбиркор аёллар махсулотларини намойиш этишди.

– Тадбиркорликни бошлаганимга 8 йил бўлди. Аввалига гипсдан 4 хил махсулот ишлаб чиқарган бўлсам, ҳозирги кунда уларнинг тури 202 турга кўпайди, – дейди

«Энг яхши ишлаб чиқарувчи» номинацияси ғолиби, ўртачирчилик Хуршида Курбонова. – 47 нафар шогирдим бор. Тадбиркорга берилаётган эътибордан ҳамиша руҳланаман. Барча ҳудудлардан кизиқувчилар, харидорлар келиб турибди. Бундан ташқари, махсулотларни экспорт қиляпмиз.

Биринчи ўринни эгаллаганлар танловнинг республика босқичига

йўланма олиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Комила БОЙМУРОВА «ISHONCH»



Хозир шундай замон бўлдики, чор тарафни «академик»лар эгаллашди. Фавкуллда худди биров атай экиб чиққандай... Уларнинг аксарияти ижтимоий тармоқларни ҳаёт ҳақиқатини акс эттирувчи бош манба деб билишди ва унгагина топинишади.

Гарчи иддао нафаси уфуриб турган бўлса-да, бу фикрнинг ҳақиқатга дўнганига анча бўлган. Энг ёмон томони, улар ҳамма нарсага ўзлари мансуб «иқлим» нуқтаи назаридан ёндашишади. «Биз барча ҳақиқатларнинг тағига етганмиз, бошқа биладиган илм дунёда йўқ» демуқчи бўлишади.

Мисол учун яқинда мамлакат таълимиди «ислохот» ўтказиш иддаоси билан чиққан дўстларимизни олайлик. Улар «мажбурий обуна» деган атамадан шундай олабўжи ясадики, обуна бўлиш, газета ўқиш деган маърифий машғулотнинг моҳияти гуноҳ ва салкам «жиноят»га айланиб қолди, гўё.

Байроқ роса баланд кўтарилди. Чунки истак чўнг эди... Менинг назаримда, бу ҳам бир «проект» бўлди. Бу лойиҳадан мақсад интернетга куч бериш, одамларни кўпроқ ахборот технологиялари орқали банд қилиш ва пировардиди янги ахборот маконида каттароқ ва мўмайроқ тушулмаларга эга чиқиш эди. Ва ниҳоят, бу амалга ошди ҳам. Хўш, нима ўзгарди, жамият нима ютди? Нима ютгани очик савол. Бой берилётган нарса шулки, жамият бугун маърифат олишда вариантсиз қолмоқда. Ҳа, очик тан олиш керак, бугун бош воқелик интернет тармоқлари қўлига ўтди. Сўкишлар, ҳақоратлар, олди-қочди, қўйди-чиқди ҳақиқати мишмишларга тўла интернетдаги миллий лаҳтагимиз (сигмент) бугун бош «тарбиячи»га айланди. Маърифатдан кўра кўпроқ жажолат, самимиятдан кўра кўпроқ разолат қайнаётган бу «қозон» бизга эртага яна неларни тақдим этаркан ҳали?!

Бир замондан бери мактаб дарсликларни ҳақида гапирилмоқда. Дарвоқе, айна борада аҳолимиз энди бутун буй-баста билан аёнлашди. Киши шундай ўйга борадики, бунга ўша боғлиқ «проект»ларнинг ҳам таъсири катта бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки маърифат гўшаси бўлган мактабга газета бормай қолгани, у ерлар ҳам ижтимоий тармоқлар томонидан «ишғол» этилганига анча бўлган.

МАКТАБЛАРДА КИТОБ ВА ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЎРНИГА НИМА ҚОЛДИ?

Одатда катта ишлар кенг доираларда қабул қилинадиган қарорларга асосланади. Бизда эса кўпинча бунинг тескариси бўлди. Айниқса, таълим соҳасида. Бир катта мулозим (ҳозирда собик) халқ таълими соҳасига янги концепция тақдим этди. Аниқроғи, гўёки тақдим этди. Унга кўра, болаларга совет давридан қолган ёдлатиш тамойили ўрнига йўналтирувчи вазифа қўйиш лойиҳаси, яъни ўқитувчи ўқувчиларни йўналтиради, болалар эса керакли билимини интернетдан хатм қилади, деган қарар илгари сурилди.

Аммо бу ўта шошқалоқ фикр эди, аслида. Чунки куйидаги оддийгина саволга жавоб ҳали йўқ эди: хўш, ўқувчи олайлик, она тили, адабиётдан, география ёки тарих фанидан билимини интернетнинг қайси манбасидан олиши мумкин? Ўша манба ҳали рисоладагидай борми? Ахир яратилмаган-ку ҳали! Эътибор беринг ўзбек ўқувчисининг билимини ошириши учун фундаментал билим кўникмалари ҳали интернетнинг ўзбек сигментига мулҳола етарли эмас. Хўш, ўзи, умуман, педагогикнинг ҳафтиягини ҳам билмаган бу аён бутун бир мамлакат ва миллат келажиги учун даҳи қиладиган муҳим соҳа бўйича шундай қарор қабул қилиши қан-

**БОСМА НАШРЛАР
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ:
НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ
БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА?**

Матбуот, айниқса, газетачилик барча жамиятларда ахборотдан ташқари маданият ва санъат ҳамда ҳукмрон мафқуралар, қадриятлар тарғиботчиси ўлароқ ном қозонганига бир асрдан анча ошди. Ҳатто ҳозир – ХХI асрда ҳам бунинг биров жиддий ёки илмий жиҳатдан инкор қилаётгани йўқ. Дунёда «New York Times», «Figaro»...каби миллионлаб нусхада чиқадиган газеталар борки, булар бугунги кунларимиз «тебраниши»га ҳам сезиларли таъсир ўтказаятганини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Бироқ, таассуфки, бизда бугун газетачилик бир соҳа ўлароқ «синиш» арифасига келди. Бу қандай юз берди?

Чалик тўғри эди? Бу ҳуқуқни унга ким берган? Минг афсуски, ҳеч ким! Демак, соҳанинг замонавий раҳбари билиб-билмай аслида ўз соҳасининг ривожини йўлида мактаб ўқувчиларининг кўп йиллик умрини зое кетказишга қарор берган бўлиб чиқмоқда.

Мен гапни узоқдан олиб келяпман. Бир нарсани тушуниш керак, жамият куёнчилик ёки товуқчилик тажрибахонаси эмаски, унда турли экспериментларни тап тортмай, ҳеч қандай таҳлилсиз, асоссиз амалга оширишга киришилса. Популизм учинчи минг йиллигимизнинг мухташам ва киборий эпидемияси экани бор гап. Аммо билагонлик бутун бир жамиятнинг гарданини яғир қилиш ҳисобига бўлиши керак эмас, менимча. Интернетга керагидан ортиқ роль бериши, уни мифлаштиришга зўр бериши, бу борада атрофдаги барча омилларни суриб ташлаш эвазига босма нашрлар ҳам зарар қўрди. Мана, бизга тегишли бўлган жойи!

СОАТЛАРИМИЗ МИЛЛАРИНИ ТЎҒРИЛАБ ОЛАДИГАН ВАҚТ АЛЛАҚАЧОН КЕЛГАН. АГАР ВАЗИРЛИК ВА ҲОКИМЛИКЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИДОРАЛАРИ ЎЗ СОҲАСИГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАРГА, МАТБУОТНИНГ МУНОСАБИГА ҚУЛОҚ СОЛМАС ЭКАН, МАТБУОТНИНГ РОЛИ, УНИНГ ЯШАБ ҚОЛИШИ ҲАҚИДА ГАПИРИШИМИЗ БИЗИНГЧА, ОРТИҚЧА.

ЭНДИ БЕВОСИТА ГАЗЕТАЛАРГА ҚАЙТАМИЗ

«Мажбурий обуна» ҳақида жуда кўп гапирилди. Бу ўринда биз аниқлик киритиб оладиган бир қанча жиҳатлар бор. Масалан, «мажбурий обуна» дегани газеталарни мажбурият ўқитиш бўладиган бўлса, шахсан мен баъзи нашрларни

ҳатто мажбурий ўқитиш сиёсатига икки қўллаб қўшилган бўлар эдим. Масалан, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Фан ва турмуш» сингари журналларни нафақат халқ таълими, олий таълимдаги тил ва адабиёт йўналишидаги ҳар бир муаллим ёки педагог, балки ўзини зиёли санаган ҳарбий, муҳандис, врач, математик, техник, қўйингки, барча ўқиши мажбурий бўлиши лозим. Нимагаки, ўрта таълимнинг ўзи мажбурий бу – биринчидан. Иккинчидан, миллатнинг интеллектини ёзма адабиётлар шакллантиришини илм-фан аллақачон исботлаган. Ва бу стратегия масала бўлиб қолавериси шарт!

Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, яна шахсан «Маърифат» газетасини халқ таълими тизимидаги ҳар бир мактабга камида 5-10 тадан мажбурий етказишни йўлга қўйиши шарт, деб ўйлайман.

Нега? Чунки бунинг ўрнини боса оладиган муқобил босма нашр ҳозирда йўқ! Интернет, ижтимоий тармоқнинг вазифаси, йўли бошқа! Лайк йиғиб, «обру» топиш мумкин, аммо билим олиб ҳам, тарқатиб ҳам бўлмайди. Саводни оширишга хизмат қилмайди барибир бу.

Энди босма нашрларнинг иккинчи оғриқли нуқтасига ўтайлик. «Ishonch» газетаси шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ўнлаб танқидий чиқиш қилди. Молия вазирлигига, Иқтисодиёт

ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, Марказий банкка ва бошқа катта идораларга кўпчиликни қизиқтириб, қийнаб келаятган, баъзида ўта мантиқсиз қўринган масалалар бўйича кўплаб саволлар йўллади. Аммо натижа нима бўлди? Ўнлаб танқидий материалларга биронта жўяли жавоб ололмаппиз.

Ҳоҳида катта-катта вазирликлар, бообру мулозимлар «facebook»да чиққан сиқоннинг қулоғидай мурожаатга ҳам эътибор қилишади. Марказий нашрларда чиққан саҳифа-саҳифа муаммоли мақолаларни ўқиб ҳам кўрмайди. Бу нимадан дарак беради? Бу тизимларимизда мувоzanатнинг йўқолишидан, очикроғи, масалалар чалкаштириб ташланганидан дарак беради. Мана, қаранг-да, баъзи бир катта аёнларимиз, масалан, дунёнинг бир бурчагида ўтириб фитнес тарқатаётган кимсаннинг ёлгон-яшиқ хабари билан ҳисоблашади, лекин давлат муассислигида бўлган ўз газетасидаги мулоҳазага эътибор ҳам бермайди. Бунинг қандай тушуниш мумкин?

Бир замон Тошкент шаҳар ҳокимлигида ахборот хизмати раҳбари бўлиб ишлаганман, тўғри, у пайтларда танқид кўп эмас эди, аммо савол етарли эди. Баъзида раҳбарнинг қабул қилган қарорларига мантиқий жавоб беришга қийналардик, аммо топардик ўша мантиқий жавоб бериш чорасини. Чунки пойтахт ҳокимлигида мантиқсизлик бўлиши уят ҳисобланар эди биз учун. Хўш, ҳозир-чи? Айтинг, мана дарсликлардан-да стратегикроқ бўлган яна қандай масала бор?

Бу фикрларни ўйлаб шундай хулосага келаманки, соатларимиз миллиларни тўғрилаб оладиган вақт аллақачон келган. Агар вазирлик ва ҳокимликлар давлат ва жамоат идоралари ўз соҳасига тааллуқли ишларга, матбуотнинг муносабатига қулоқ солмас экан, матбуотнинг роли,

Нуқтаи назар

унинг яшаб қолиши ҳақида гапиримиз бизнингча, ортиқча.

Иккинчи яна бир оғриқли масала: бугун босма нашрлар малакали мутахассисларни сақлаб қололмапти. Ўтган икки йил ичида «Ishonch» газетаси уч-тўрт нафар навқирон, қалами чархланиб тайёр бўлган кадрни «узатма» қилди. Қаерга денг? Ахборот хизматларига. Биттаси Андижон вилояти судининг ахборот хизмати 10 миллион сўмдан кўпроқ маош эвазига ўтиб кетди... Тушунинг, «Ishonch» балким энг катта маош берадиган таҳририят эмасдир, аммо таҳририятлар орасида энг катта ойлик берадиган училиқдан пастда эмас. Мен қолганларнинг аҳолини тасаввур қилипман.

Хўш, бу ҳолатдан жамият ютаптими? Албатта, йўқ. Бугун ахборот хизматларида журналистикадан беҳабар демайман-у, аммо икки қатор матн ёзишни тузукроқ эплотмайдиган ҳаммасларимиз етарли, балки ахборот хизмати деган «проект»ни ростанам журналистикадан холи қилиб қайта қўриб чиқармиз? У аслида соҳани кучсизлантиришга хизмат қилипти-ку...

Энг асосий масала эса бу – ОАВга бўлган муносабат ўзгариши кераклиги. Бугун матбуотда чиқаётган жуда кўплаб мавзулар раҳбарларимизга аслида тайёр «шпаргалка». Мутасаддилар кучли кадрлардан қўрқиниши бас қилиб, замон билан баробар фикрлашга ўтиши керак. Бунинг учун эса, сал матбуотга ҳам қулоқ тутиш лозим. Ҳамизда соҳа мутахассислари журналистларнинг соҳани улардан яхшироқ тушунишига дуч келиб қолишаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бунақада мамлакат, соҳа қандай қилиб ривожланиши мумкин?

Мен бу гапларни жамият матбуотдан воз кечишга шошмаслиги кераклигини таъкидлаш ниятида айтаяпман.

Яқинда Туркия ва Россия Федерациясида хизмат сафарига бўлдим. Аксарият емакхоналарда газеталар тахлаб қўйилган. Ассосан бепул тақдим этиляпти. Газеталарни арақайман. Бир қарашда уларнинг на дизайни ва на мазмун-мундарижасида бизни «қойил» қолдирадиган муъжиза йўқдек. Аммо муҳими, давлат ва жамият шу нашрларни бепул тарқатапти. Чунки давлат унинг ўзи олиб бораётган сиёсатга хизмат қилаётганини англамоқда. Айтиш керак, тан олиш керакки, бу жуда муҳим масала.

Трансформация эса босқичма-босқич, ўзаро ҳамжиҳатликда амалга ошиши мумкин. Уни ҳовлиқиб, шошма-шошарлик билан татбиқ этиб бўлмайди.

Юқоридаги фикрлар – шахсий мулоҳазаларим, албатта.

Хусан ЭРМАТОВ,

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири

Манба: «Hurriyat» газетасининг 2022 йил 2 ноябрь сони.

«Ishonch»га жавоб берадилар

МУАММО ТЎЛИҚ БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ, ДЕЙИШ ФИКРИДАН ЙИРОҚМИЗ

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 29 октябрдаги 132-сонида «Ёғ деб заққум ютмаяпмизми?» номли мақола чоп этилган эди. Унга «Ўзғойсанот» уюшмаси қўйидагича муносабат билдирди:

Муаллифнинг таъкидлашича, аҳоли истеъмолига етказиб берилётган ўсимлик мойлари, хусусан, пахта мойида турли чўкмалар учрамоқда. «Биз, – деб ёзади муаллиф, – бирор жойда талабга жавоб бермайдиган ёлларнинг йўқ қилинганини ёки сотувдан қайтариб олинганини эшитмадик. Бундан келиб чиқадики, сифатсиз ёни хануз, яъни ҳозир ҳам истеъмолга қилинапти».

Мақола сўнггида муаллиф ёғ-мой маҳсулотлари саломатлигимизга зарар етказмаслигига қафолат борми, деган саволни ўртага ташлайди.

Юртимизда аҳоли томонидан асосан пахта ва кунгабоқар мойлари истеъмолга қилинади. Шу боис ушбу мойлар тўғрисида маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Пахта мойининг таркибиде эрувчи пигмент, госсипол мавжуд бўлиб, бу модда инсонлар организми учун зарарли ҳисобланади. Шунинг учун озуқа мақсадиде ишлатиладиган пахта мойи, албатта, рафинацияланади ва дезодорацияланади. Рафинация – бу мойни ҳамроҳ моддалардан тозалаш, мойнинг хусусиятларини ва сифатини яхшилашдан иборат бўлган мураккаб технологик жараён бўлса, дезодорациялаш – пахта мойидан қиздирилган буг билан вакуум остида учувчи, хид берувчи ва таъм

берувчи моддаларни йўқотиш демакдир.

Техник пахта чигитини тўлиқ циклда қайта ишлаш натижасида олинган рафинацияланган ва дезодорацияланган пахта мойи нафақат зарарсиз, балки фойдали бўлган боис истеъмолга йўналтирилади.

Кунгабоқар мойини олишнинг асосий усули иссиқ ёки совуқ пресслашдир. Совуқ пресслашда тозаланган кунгабоқар уруғлари майдаланади ва пресс остига ўтказилади, натижада мой сиқиб чиқарилади. Совуқ прессланган маҳсулот энг тўйимли озуқа ҳисобланади, чунки бу усул кунгабоқар мойининг барча фойдали хусусиятларини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2019 йил 16 январдаги «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзғойсанот» уюшмаси ташкил этилган. Мазкур қарорга асосан «Ўзғойсанот» уюшмаси ихтиёрий равишда аъзо бўлган ёғ-мой саноати корхоналари ва ташкилотлари томонидан таъсис этилган нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудларида 500 дан ортиқ ёғ-мой корхонаси мавжуд бўлиб, шундан 100 га яқин корхона уюшма аъзоси ҳисобланади, уларнинг 64 таси ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уюшма корхоналарида ISO 9001 ва ISO 22000 халқаро сифат стандартлари жорий этилган, ўсимлик мойини ишлаб чиқаришда талаб этиладиган технологик ускуналар ҳамда лабораториялар билан тўлиқ жиҳозланган. Корхоналарда истеъмолга йўналтирилаётган ўсим-

лик мойлари доимий тарзда лаборатория текширувидан ўтказилади ва истеъмолга яроқли, инсон организми учун зарарсиз деб топилган маҳсулотлар савдога чиқарилади.

Умуман олганда, уюшма таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойлари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 724-сонли қарори билан тасдиқланган «Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги техник регламент талаблари асосида ишлаб чиқаришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 ноябрдаги 4023-сонли ҳамда 2018 йил 17 январдаги 479-сонли қарорларига асосан пахта техник чигити ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тўлиқ технологик цикл (мағзини янчиш, гидротермик ишлов бериш, пресслаш, экстракциялаш, рафинациялаш, дезодорациялаш ва қадоқлаш) қилинган эга бўлган барча маҳаллий корхоналарга биржа савдолари орқали сотилиши белгилаб қўйилган.

Уюшма таркибига кирмаган ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойлари сифатини назорат қилиш уюшма ваколатига кирмайди. Шундай бўлса-да, бир неча йилдирки, аҳолига сифатли ўсимлик мойлари етказиб беришни таъминлаш мақсадида уюшма ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротанот мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзғойсанот» уюшмаси ҳамда Санитария-эпидемиологиялик оқсийшталлик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассисларидан иборат

иши гуруҳлар ташкил этилиб, ёғ-мой корхоналарида назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Пахта чигитини қайта ишлашда камчиликка йўл қўйган корхоналарга нисбатан огоҳнома, кўрсатма ва тақдирнома киритилмоқда, шунингдек, қонунбузишлар аниқланган бир қатор ёғ-мой корхоналарига оид тўлланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилмоқда.

Уюшма мутахассислари масъул ташкилотлар ходимлари билан биргаликда сифатсиз ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Аммо бу билан муаммо тўлиқ бартараф этиляпти, дейиш фикридан йироқмиз.

Шундай ҳолатлар учрайдики, сифати юқори бўлган ўсимлик мойлари сақлаш тартибларига риоя этилмаслиги сабабли ҳам яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда. Шу боис ҳар бир харидор:

пахта мойининг санот услуди қадоқланишига; маҳсулотнинг ўсимлик мойига хос бўлмаган чўкмалардан холи ва тиниқ бўлишига; маҳсулот ёрлиғида ишлаб чиқарувчи давлат ва корхонанинг номи, товар белгиси, ҳақиқий оғирлиги ёки ҳажми, нави, тури, қадоқланган санаси, энергетик куввати, яроқшлик муддати, стандарт белгиси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Харидор сотиб олинаётган пахта мойи сифатига ишонч ҳосил қилиш учун сотувчидан маҳсулотга тегишли бўлган барча маълумот ҳамда ҳужжатларни сўраб олиши ва танишишга ҳақли.

«Ўзғойсанот» уюшмаси

«Ishonch» саволи

«Ўзғойсанот» уюшмасига! Ёғ деб заққум ютмаяпмизми?

Гапнинг дангалини айтганда, кейинги вақтда ўсимлик ёғининг нафақат нархи, балки сифатидан ҳам кўнгил тўлмаяпти. Анабандарлиси, дўкондан харид қилинган ёллар, хусусан, пахта ёғида турли чўкмалар учрайди. Докладда бекалар қўланса, аччиқ қийдан озорланаётгани ҳам бор гап. Ҳолбуки пахта ёғи 120° да- ража иссиқда қайнатилиб, сўнгра ишлов берилишини эшитганмиз. Ва лекин...

Шубҳа-ғумон-лардан холи бўлиш учун бир мисол. Республика комиссияси томонидан ўрганилган (2021 йил июнь ҳолатига кўра. Манба: kulp.uz) 303 т ёғ-мой корхонасининг 77 таси техник қайта ишлаш учун белги-ланган талабларга му-вофиқ фаолият қорит-майганини, 226 та кор-хона фаолият қорит-майганини маъвофиқ эмаслиги қайд этилган. Жумладан, 35 та истеъ-моли ёғи ишлаб чиқа-радиган корхонада ҳеч қандай техник ускуналар бўлмаган. Бир қисмда пресслаш, 13 тасида экс-тракциялаш ускуналари йўқ экани аниқланган. Қолаверса, 126 та кор-хонада технолоик цикл-ларнинг иқкитидан ор-тиқ айрим турлари йўқ-лигига нима дейсиз?

Биз бирор жойда талабга жавоб берма-йдиган ёғларнинг йўқ қилинганини ёки со-тувдан қайтариб оли-нганини эшитмадик. Бу-ндан келиб чиқадики, сифатсиз ёғни хануз, яъни ҳозир ҳам истеъ-молга қилинапти... Бу ёғ ва ёғ маҳсу-лотлари саломатлиги-мига зарар етказмас-лигига кафолат борми? Мутасаддилар бу ҳақда тегишлилиги бўйича маълумот бери-ш оладими?

Расул СЎНОВ, Агротанот маммуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кеңгаши бош қўбоси

Табриклаймиз!

«ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ», «ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ», «ЭНГ НАМУНАЛИ ИШ БЕРУВЧИ АЁЛ», «ЭНГ ЯХШИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ», «ЭНГ ЯХШИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан «Аёллар дафтари» тизими бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бундай хайрли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ходимларнинг ўрни алоҳида.

Бундай фидойи ходимларни муносиб рағбатлантириш бўйича республикамиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида «хонадонбай» ишлашда «Энг яхши маҳалла раиси», ҳудудларидаги сектор раҳбарлари ўртасида «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлашда «Энг яхши сектор раҳбари», гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида «Энг намунали иш берувчи аёл», хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги бор хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда бевоисита шундай оилаларга моддий ва беғараз ёрдамлар кўрсатилишини ташкил этишда фидойилик кўрсата оладиган маҳалла хотин-қизлар фаоллари ўртасида «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Ёшлар дафтари» тизими орқали ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги мавжуд ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда бевоисита шундай оилаларга моддий ва беғараз ёрдамлар кўрсатилишини ташкил этишда фаол бўлган маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ўртасида «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танловлари ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган «Аёллар дафтари» тизими йўналишидаги ишларни қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини «хонадонбай» ва «маҳаллабай» ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, гендер сиёсатини қўллаб-қувватлаш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжман хотин-қизлар бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш орқали уларни камбағалликдан чиқариш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бир неча босқичда ўтказилган танловларда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар тегишли ҳужжат ва материалларни 2022 йилнинг 1 июлига қадар туман ва ҳудудий Ташкилий қўмиталарига тақдим этишди.

Биринчи босқичда «Энг яхши маҳалла раиси» танлови бўйича жами 5 846 нафар, «Энг яхши сектор раҳбари» танлови бўйича жами 828 нафар нафар, «Энг намунали иш берувчи аёл» танлови бўйича жами 1 341 нафар, «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танлови бўйича жами 5 699 нафар, «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танлови бўйича жами 6 009 нафар, «Энг яхши ёшлар етакчиси» танлови бўйича эса жами 5772 нафар иштирокчидан аризалар келиб тушди.

Халқимиз орасида мазкур танловларга қизиқиш жуда катта бўлди, десак муболага бўлмайди. Буни ушбу танловларда 25 500 нафарга яқин иштирокчи қатнашгани ҳам кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг июль-август ойларида ушбу танловларнинг туман (шаҳар) босқичлари, сентябрь ойида эса ҳудудий (вилоят) босқичлари ўтказилди.

Ҳудудий босқичларда «Энг яхши сектор раҳбари» танловида II ва III ўринни олган иштирокчилар мос равишда 10 000 000 (ўн миллион) ва 5 000 000 (беш миллион) сўмдан, қолган танловлар бўйича II ва III ўринни олган иштирокчилар эса 5 000 000 (беш миллион) ва 3 000 000 (уч миллион) сўмдан пул мукофоти билан тақдирланишди.

Ҳар бир ҳудуддан биттадан ғолиб бўлган иштирокчилар эса жорий йилнинг октябрь ойида танловларнинг республика босқичида қатнашиши ва тегишли Низом ҳамда иштирокчиларни баҳолаш мезонига асосланиб ғолиблар аниқланди.

«Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танловлари ғолиблари рўйхати

Энг яхши сектор раҳбари

1-ўрин

Умархонов Азизхон Шарипхонович – Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳокими



2-ўрин

Халилов Бахтиёр Собитхонович – Наманган вилояти Норин тумани прокурори



3-ўрин

Омонтўраев Муҳиддин Шотўраевич – Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани ИИБ бошлиғи



Энг яхши маҳалла раиси

1-ўрин

Мовлонов Абусаид Нурсаитович – Навоий вилояти Навоий шаҳар «Янгиариқ» МФЙ раиси



2-ўрин

Раҳматов Аҳатилла Ҳикматович – Тошкент шаҳри Юнусобод тумани «Биллур» МФЙ раиси



3-ўрин

Нурматов Турсунмурот Абдулҳакимович – Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани «Ўртасой» МФЙ раиси



Энг яхши ҳоким ёрдамчиси

1-ўрин

Жўраева Лола Олимовна – Бухоро вилояти Когон шаҳар «Арабхона» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



2-ўрин

Жамолиддинов Муҳаммадҷон Абдурахмон ўғли – Наманган вилояти Янги Наманган тумани «Ишонч» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



3-ўрин

Холмирзаев Азизжон Раҳматжонович – Андижон вилояти Марҳамат тумани «Дурафшон» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Энг намунали иш берувчи аёл

1-ўрин

Нориева Шарофат Эргашевна – Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани «Гулчи опа томорқа хизмати» МЧЖ кластер раҳбари



2-ўрин

Содиқова Ханифа Зокировна – Сирдарё вилояти Перинатал маркази директори



3-ўрин

Умарова Маърифатхон Йўлдошовна – Фарғона вилояти Данғара тумани «Бекнур класс» МЧЖ раҳбари



Энг яхши хотин-қизлар фаоли

1-ўрин

Нуримбетова Наргиза Давлетбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани «Қизилқалъа» ОФЙ хотин-қизлар фаоли



2-ўрин

Ғиёсова Комилахон Иқромали қизи – Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Устоз» МФЙ хотин-қизлар фаоли



3-ўрин

Усмонова Латофат Маҳмудалиевна – Тошкент вилояти Пискент тумани «Мўминобод» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Энг яхши ёшлар етакчиси

1-ўрин

Худойберганова Радҳо Аллабергановна – Хоразм вилояти Урганч тумани «Туркманлар» МФЙ ёшлар етакчиси



2-ўрин

Мамбетярова Улбосин Мусатдин қизи – Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани «Мингжарған» МФЙ ёшлар етакчиси



3-ўрин

Бозоров Миршодбек Шукур ўғли – Бухоро вилояти Ромитан тумани «Тарнаут» МФЙ ёшлар етакчиси



Танловлар ғолибларига Президент совғаси сифатида:



I ўрин
учун
диплом ва
«Жентра»
автомобили

II ўрин
учун
диплом ва
«Кобальт»
автомобили

III ўрин
учун
диплом ва
«Спарк»
автомобили
топширилади.

**Ғолибларни тантанали тақдирлаш тадбири
11 ноябрь – Ўзбекистон касба уюшмалари
куни арафасида ўтказилади.**

«Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танловлари совриндорлари рўйхати:

Энг яхши сектор раҳбари

Энг яхши маҳалла раиси

Жабборов Жамшид Адашович – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани «Катта вахшивор» МФЙ раиси



Ҳайдаров Элбек Бахтиёрович – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани «Хўжайилғор» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Турсунова Венера Суяркуловна – Тошкент шаҳри Янги ҳаёт тумани Якка тартибдаги тадбиркор



Тошматов Отабек – Мадаминвич – Фарғона вилояти Қува тумани прокурори



Раҳматова Феруза Ҳасанбоевна – Андижон вилояти Асака тумани «Камолот» МФЙ раиси



Энг яхши ҳоким ёрдамчиси

Йўлдошев Эркин Тўлқинович – Жиззах вилояти Зомин тумани «Бунёдкор» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Сатторова Шоира Абдуғаниевна – Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Zaynura Bulung'ur tekstil» МЧЖ раҳбари



Умаров Фарҳод Бақоевич – Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими



Тешаев Худоёр Қаландарович – Бухоро вилояти Ромитан тумани «Ўзбекистон» МФЙ раиси



Шананова Чамангул Йўлдошевна – Самарқанд вилояти Жомбой тумани «А.Қурбонов» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Энг намунали иш берувчи аёл

Отажонова Дилноза Равшанбековна – Хоразм вилояти Якка тартибдаги тадбиркор



Набижонов Элёрбек Зокирович – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими



Эралиев Толиб Тоҳирович – Наманган вилояти Наманган шаҳри «Оби ҳаёт» МФЙ раиси



Азимов Бекмирза Раҳимжонович – Фарғона вилояти Фарғона тумани «Логон» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Гюмюш Маҳфуза Маликжоновна – Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани «Рунамтех» МЧЖ директори



Энг яхши хотин-қизлар фаоли

Эгамбердиева Хулқар Маҳаматжоновна – Наманган вилояти Давлатобод тумани «Давлатобод» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Авазов Нурмурод Турдимуродович – Навоий вилояти Хатирчи тумани прокурори



Кўзиев Абдулҳошим Ортиқалиевич – Фарғона вилояти Қувасой шаҳри «Найман» МФЙ раиси



Эшқўзиев Ғулмжон Мелқўзиевич – Сирдарё вилояти Боёвут тумани «Марказ» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Рамазонова Амина Ражабовна – Бухоро вилояти Когон шаҳар «MRR NEW STAR 2020» МЧЖ раҳбари



Урумбаев Фархат Турсынбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи




Палванова Фатима Маратовна – Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Бердах» МФЙ раиси



Давлатов Илҳомжон Ғулмжонович – Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани «Сархумдон» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Жумабоева Зиёдахон Умаржоновна – Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Дано болажон қувончи» НТМ раҳбари



Мирзаева Маъмурахон Исоқовна – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Хонқўча» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Бегимқулов Сайдимқул Шойимқулович – Сирдарё вилояти Гулистон тумани ҳокими



Раҳимов Элдор Холбоевич – Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Бахмал» МФЙ раиси



Сувонова Дилдора Содиқовна – Навоий вилояти Навбахор тумани «Навкар» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Саидова Дилрабо Алиқовна – Навоий вилояти Кониҳ тумани «PRIDE WORKWEAR» МЧЖ раҳбари



Тоғаева Гулноза Зиёдулложоновна – Навоий вилояти Кармана тумани «Талқоқ» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Дарвишев Шавкат Тўраевич – Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳокими



Исломов Шавкат Яхшибекович – Жиззах вилояти Фориш тумани «Хонбанди» МФЙ раиси



Аметова Жамила Жанибековна – Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани «Қорақалпоғистон» ШФЙ ҳоким ёрдамчиси



Мадиерова Шоҳиста Азизматовна – Тошкент вилояти Ангрен шаҳри «SHANLIYA» МЧЖ раҳбари



Ниғматова Муриновна – Бухоро вилояти Бухоро шаҳри «Янгиобод» МФЙ хотин-қизлар фаоли




Қудратов Шерзод Асатович – Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ҳокими



Ҳожиев Аминбой Саидмаметович – Хоразм вилояти Урганч шаҳри «Маърифат» МФЙ раиси



Бекчанов Камолжон Сапарбоевич – Хоразм вилояти Шовот тумани «Янги бурлоқ» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Комилова Саломат Шуқуровна – Қашқадарё вилояти «Қарши мебель» ишлаб чиқариш МЧЖ директори



Ҳасанова Умида Убайдулла қизи – Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани «Сарбозор» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Рустамов Одилхон Боқиевич – Тошкент вилояти Тошкент тумани ҳокими



Ғулмхонова Гулбаҳор Тоҳировна – Тошкент вилояти Пискент тумани «Бекобод» МФЙ раиси



Қурбонниёзов Бахтиёр Бобомуродович – Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Гулбаҳор» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Даулетярова Паршагул Муратбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикаси ноғиронлар жамиятига қарашли «BERNINA NUKUS» шўъба корхонаси директори



Қодирова Сайёра Шавкатовна – Тошкент шаҳри Яшнобод тумани «Бешариқ» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Машарипов Ўқтам Рустамович – Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ҳокими



Жўраев Акбар Асқарович – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани «Хонтепа» МФЙ раиси



Собиров Шохруҳ Собирович – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри «Ҳамза» МФЙ ҳоким ёрдамчиси



Азизова Мафтуна Раҳматулло қизи – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Асилахон терма гиламлари» раҳбари



Андақулова Мадина Бердиқуловна – Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Нурафшон» МФЙ хотин-қизлар фаоли



«Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танловлари совриндорлари рўйхати:

<<< 5

Гаппарова Дилноза Абдурашидовна – Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Қозоқ Найман» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Абдуллаева Юлдуз Ҳалиловна – Қашқадарё вилояти Қамаш тумани «Қамай» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Ғайбиев Алишер Абдувоҳид ўғли – Самарқанд вилояти Ургут тумани «Пастки Калангар» МФЙ ёшлар етакчиси



Тожиқулов Шаҳзод Аҳрор ўғли – Сирдарё вилояти Ширин шаҳар «М.Улуғбек» МФЙ ёшлар етакчиси



Махсудов Баҳромжон Сайдуракул ўғли – Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани «Қипчоқсув» ҚФЙ ёшлар етакчиси



Энг яхши ёшлар етакчиси

Қиличева Нигора Ҳасановна – Хоразм вилояти Урганч шаҳри «Жингавуз» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Исомиддинов Авазхон Хайрулло ўғли – Наманган вилояти Янги Наманган тумани «Ишонч» МФЙ ёшлар етакчиси



Худойбердиева Малика Валижон қизи – Навоий вилояти Учқудуқ тумани «Дўстлик» МФЙ ёшлар етакчиси




Турдалиев Раҳматали Аҳмадали ўғли – Фарғона вилояти Фурқат тумани «Хайит» МФЙ ёшлар етакчиси



Умурзоқов Ислоом Илҳом ўғли – Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Олимлар» МФЙ ёшлар етакчиси



Асқарова Мунира Зокиржон қизи – Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Истиқлол» МФЙ хотин-қизлар фаоли



Турсунбоев Фаррухбек Азаматжон ўғли – Андижон вилояти Асака тумани «Баҳрин» МФЙ ёшлар етакчиси



Худойбердиев Шаҳзод Фарҳодович – Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Наврўз» МФЙ ёшлар етакчиси



Абдураимов Дониёр Зухриддин ўғли – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри «Увайсий» МФЙ ёшлар етакчиси



Тўраев Боймурод Юсуф ўғли – Қашқадарё вилояти Косон тумани «Истиқлол» МФЙ ёшлар етакчиси



Танловлар совринларининг ҳар бири 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Тантанали тақдирлаш тадбири 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни арафасида ўтказилади.



Сирдарё вилояти

Миннатдорлик

Йўқловчинг бўлганига не етсин!

Мирзаобод туманида 1 минг 371 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган. Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида қадр кўриб, қаддини тутган, дардига шифо топган, рўзғорига барира, муҳими, ўзига бўлган ишонч мустақамланган мунис опа-сингилларимиз сони ошиб бораётир.


Биз уларнинг қалб сўзларини тинглаб, сизга-да илдиндик..

Озода ҲАСАНБОВА.
«Оқолтин» маҳалласидан:



– 3 нафар фарзандим бор – икки ўғил ва бир қиз. Уларнинг улғайиб бораётганини кўриб кўнглим таскин топар, аммо эҳтиёжларига маблағ тополмай ичимдан эзилардим. Ёшлигимда дугоналарим билан чеварларга қатнаб, тикиш-бичишни ўргангандим. Эски қўл машинасида танишларга либос тика бошладим. Маблағ йўқлиги сабаб зирагимни сотдим. Озроқ пул билан бошлаган ишим яхши фойда келтира бошлади. Ана шунда кредит олиш истаги пайдо бўлди. Ишсизлигим учун «Аёллар дафтари»га мени ҳам ёзишди. 33 миллион сўм кредит олдим. Бу пулга янги тикув машинаси, матолар олиб келиб, уйимнинг бир хонасида тикув цехи очдим. Буюртмаларим ошди. Тайёр либосларни буюм бозорларига топшириб, савдо қилишни бошладим. Ютуқларимга давлатимизнинг қўллагани, ҳаёти-мизга ёрқин ранг олиб киргани сабаб бўлди.

Сожида ИМОМНАЗАРОВА.
«Тошкент» маҳалласидан:



– Ховос туманига турмушга чиққанман. Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этгач, уйимизга қайтиб келдим. Мени «Аёллар дафтари»нинг боқувчиси йўқ, эҳтиёжманд аёл тоифасига киритишди. Ўзим ва фарзандларим эҳтиёжи учун мод-

дий ёрдам беришди. Ҳамшираман, аммо Ховосга қатнаб ишлаш оғирлик қила бошлади. Шу муаммомини айтганимда менга яшаш худудимдан муносиб иш топишга ёрдам беришди. Маҳалламизда «Оққуш» номли янги мактабга таълим ташкилотига ҳамшира бўлиб ишга қабул қилиндим. Мана икки ойдири, уйимизга яқин бўлган жойда ишляпман. Ташвишим бор-йўқлигини сўраб, муаммоларимни ҳал қилишга кўмакчи бўлганларга ташаккур айтаман.

Маҳлиё АБДУРАЗЗОҚОВА.
«Наврўз» маҳалласидан:



– Тақдир экан, ўзим ҳам, турмуш ўртоғим ҳам II гуруҳ ногиронимиз. 3 нафар қиз ва бир нафар ўғил фарзандимиз бор. 2019 йилда менга тос суяк емирилиши ташхиси қўйилди, ўткир жарроҳлик амалиёти зарурлиги айтилди. Касаллик иккала оёқларимда ҳам аниқланган эди.

Лекин маблағим йўқлигидан дардимга малҳам тополмадим. Аввалига ниманидир ушлаб, кимгадир суяниб юриб турдим. Кейин буткул ётиб қолдим. Болаларимга раҳим келарди. Мен уларга қараш ўрнига улар мени парварिशларди. Ана шундай паллада «Аёллар дафтари»нинг 4-тоифасига мени ҳам киритишди. Операция учун зарур 33 миллион сўм тўлаб берилди. Қаранки, тузалиб оёққа турдим. Кўни-кўш-нига қўшилдим, тўйларга боряпман. Аёлларни ўйлаган давлатимиз сиёсатидан, вазифасини бажараётган масъуллардан миннатдорман.

Зулфия НОРҚУЛОВА.
«Нурафшон» маҳалласидан:

– Уртанча қизим Гулироза 5 ёшга кирганида шифокорлар туғма умуртқа поғонаси қийшайиши касалига чалинганини айтишди. Бунгача сезмаган эдик. Яхшироқ текшириш, даволаш учун шароитимиз бўл-

маганди-да. Соддалик қилиб катта бўлса, яхши бўлиб кетади деб ҳам умид қилдим. Уйнаб юрарди, мактабга чиқди. Охири икки йилда қийшайиш кучайиб кетди. Ҳатто партада ўтиролмай қолди, «оғрияпти» деб йиғлаб келарди мактабдан. Операция учун пулимиз йўқ эди, бир йил тўшақда ётди. Мактабдаги ўқишини уйга кўчирдик. Муаллимлар уйга келиб, дарс ўтиб турди. Шароитимизни кўриб, маҳалладагилар ёрдам қилишди. «Аёллар дафтари» орқали 33 миллион сўм амалиёт харажатлари тўланиб, қизим пойтахтдаги травматология шифохонасида ўн кун даволанди. Оғриқлари йўқолди, тузалиб мактабга ўзи боришни ният қияпти. Биология фанига қизиқади, насиб қилса, ўзи ҳам шифокор бўлиб беморларга шифо улашади. Бунинг учун доимо дуодаман.

Зулхумор ЭЛЧИЕВА.
«Нурафшон» маҳалласидан:



– Турмуш ўртоғим вафот этган. 2 нафар фарзандни ёлғиз тарбиялапман. Шу вақтгача тикув цехларида ишлаганман. Имтиёزلардан фойдаланиб тикув машинаси ва зарур дастгоҳлар олдим-у уйимнинг бир хонасида ўзимнинг тадбиркорлигимни бошладим. Маҳалладаги ишсиз 4 нафар хотин-қизга хунара ўргатиб, ишга қабул қилдим. Бичими тайёр либосларни буютмачининг ўзи олиб келади ва тайёр бўлгач, ҳисоб-китоб қилиб олиб кетади. Даромадим яхши. Кунига 200 дона футболка тикамиз. Меҳнатим билан фарзандларимни ўқитиб, рўзғоримни чиройли қилсам деб орзу қилардим. Шукрим, рўзғоримиз ва соғлигимга қизиқиб йўқлайдиган бағри кенг инсонлар бор.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»



Андижон вилояти

Анжуман



Ҳуқуқий билим ва тушунчалар берилди

Булоқбоши туманидаги Н-ҳарбий қисмда 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни муносабати билан ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини бойитиш мақсадида амалий семинар ўтказилди.

Унда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари қасаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси Севера Ҳошимова, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши ҳуқуқ инспектори Ҳабибулло Усмонов ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Дилшодбек Қанонов меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчи ҳамда ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, соҳага оид амалдаги қонунчилик талаблари масалалари бўйича тушунчалар беришди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Самарали фаолияти ва меҳнат интизомига риоя қилишлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлган бир гуруҳ ҳодимлар сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



«Ishonch» саволи

Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

ҲАР ЁМҒИРДА ШУ БЎЛАР ТАҚРОР...

ёхуд Тошкент кўчаларидаги дренаж тизимига ким масъул?

Кунни кеча – 2 ноябрь кунни ёмғир биров кўпроқ тушгани сабаб пойтахт кўчалари сув остида қолди.

Аччиқ бўлса-да айтиш керак, бу кутилмаган жала ёки жуда узок муддат ёққан ёмғир эмасди. Шунчаки, одадий ёмғирлардан бири эди. Аммо Тошкент кўчалари ана шу ёгингарчиликка ҳам дош беролмаслиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг баёноти эса айбдор аҳоли эканини кўрсатмоқда:

«...Ушбу вазиятнинг ягона сабаби — чиқиндиларнинг белгиланган жойларга эмас, балки йўللарга ва ариқларга ташлаб кетилиши.

Келажақда бундай ҳолатлар қайтарилмаслиги учун чиқиндиларни фақат белгиланган жойга ташлашингизни, бу орқали пойтахтимиз озодлигига ўз ҳиссангизни қўшишингизни сўраймиз!» дейилади ҳокимлик баёнотида.

Халқни айбдор қилиш осон. Аммо... ҳаммасига

ҳам аҳоли айбдор эмасдир?

Келинг, ҳиссиётларга берилмайлик-да, ҳолатнинг асл моҳиятига назар ташлайлик.


Йўлни қурган ташкилотлардан бир сўраб кўрайлик: «нега бундай бўлди?»

Дренаж тармоқларини мутахассислар назоратидан ўтказайлик: «талабга жавоб берадимми?»

Агар шундай қилмасак, ҳар ёмғирда шу ҳолат такрорланаверади. Олдимизда эса ёгинлар мавсуми турибди!

Дарвоқе, Тошкент кўчаларидаги дренаж тизимига ким ва қайси ташкилот масъул? Агар масъул-у мутасаддилари бўлса, бирон маълумот бера оладими? Ишни шу саволларга жавоб топшидан бошласак, тўғри бўлади, бизнингча...

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»



Тошкент шаҳри

Бонг

Кафансиз кўмилаётган ЗАХАРИҚ

Захариқ – Чирчиқ дарёсининг бир бўлаги. Бўзсуддан ажралиб чиқади. Бўзсуд бўлмаса, анҳор бўлмаса, Тошкент бир кунда қуриб қолади. Бу сув йўллари Тошкентни яшнатиб, гуллайтиб, обод қилиб, дунёнинг энг гўзал шаҳарлари қаторига қўшиб турибди.

...Аммо Захариқ кўмиб ташланмоқда. Труба қўйилиб, усти тупроқ билан ёпилиб, ери сотилмоқда.

Нурафшон кўчасидан қарасангиз, яққол кўрасиз. Оқтепа тепалигининг орқасида ўрикзор боғ бор эди. Минглаб ўрик дарахти бир кечада қирқиб ташланиб, бир неча гектар ер сотилди. Корхона қурилди, уйлар қурилди, қурилишдан чиққан минг-минг тонна чиқинди, бульдозерлар билан сурилиб, Захариқни тўлдирди бошлади...

Аммо, «ҳой, одамлар сизда инсоф борми», дейдиган мард топилмади. Ахир, битта канал шаҳарни тозалашга минг-минг дарахтдан кўра кўпроқ ҳисса қўшади-ку! Каналнинг кўмиб ташланишига нега экологларимиз, Экологик партияимиз, Экология кўмитаси жим қараб турибди? Ёки уларнинг шаҳар ҳокимиятидан тили қисик жойи борми?

Куз келганда Захариқ чағалайлارга, бакланларга, бир-биридан гўзал ёввойи ўрдақларга, оққушларга тўлиб кетар эди. Аммо, афсуски, уларнинг сафи тобора камайиб бормоқда.

Захариқ бутунлай кўмиб юборилса, нафақат бу қушлар учун, балки бутун шаҳар аҳли учун жуда катта йўқотиш, фалокат рўй беришини, наҳотки, ҳали ҳеч ким тушунгани йўқ?

Муҳаммад ИСМОИЛ, журналист



Тошкент шаҳри

Тадбир



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎТМИШИГА САЁХАТ

11 ноябрь – Ўзбекистон касабаси уюшмалари кунини муносабати билан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Тошкент метрополитени» АЖ, «12-қурилиш трести» АЖ, Тошкент давлат транспорт университети, Транспорт вазирилик ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимида ишловчи ходимлардан 50 нафарининг Ўзбекистон касабаси уюшмалари тарихи музейига ташрифи уюштирилди.

Музей ходимларининг мазмунли маърузаси барчада катта таассурот қолдирди. Ташриф сўнгига музей фойсесига эсдалик учун суратга тушилди.

Байрам муносабати билан тармоқ тизимида маданий-маърифий ҳамда бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ҳусниддин САИДАЛИЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Мусобақа



БАЙРАМ ХУШ КАЙФИЯТДА КУТИБ ОЛИНМОҚДА

11 ноябрь – Ўзбекистон касабаси уюшмалари кунини муносабати билан Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

«Кўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси таърифидаги Кўнғирот вагон депоси бошланғич касабаси уюшма кўмитасида ўтказилган волейбол мусобақасида 4 та жамоа ўзаро куч синашди. Натижаларга кўра, биринчи ўринни Кўнғирот вагон депосининг «Дефектоскопистлар» жамоаси эгаллади.

Кўнғирот сигналлаштириш ва алоқа масофасининг цех касабаси уюшма кўмитаси ташкилотлари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ҳам қизиқарли ўтди. Унинг якунларига кўра, биринчи ўринни «Ёшлар» жамоаси қўлга киритди.

Тадбирларда иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди. – Ишчи-ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида спортни оммалаштириш мақсад қилинган тадбирларимиз давом этмоқда, – дейди Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуд Розиметов. – Тизимдаги барча ходимлар, касабаси уюшма аъзолари байрамни шундай хуш кайфиятда кутиб олишмоқда.

Назокат НУРМАТОВА

Самарқанд вилояти

Долзарб мавзу

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛМОҚДА?

Меҳнат низолари, бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Хар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ва малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Иш берувчи эса меҳнат шартномасида белгиланган кўрилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилишга ҳақлидир.

Меҳнат шартномаси тузилганидан кейин ходимнинг ишига қараб иш ҳақи олиши унинг ҳуқуқи, албатта. Шу ўринда бир савол туғилади: ходим иш берувчи томонидан берилган барча топшириқларни бажариши шартми? Йўқ, фақат меҳнат шартномасида ва лавозим йўриқномасида белгиланган ишларнигина бажариши лозимдир.

Меҳнат жабҳасида низоларнинг пайдо бўлишига айнан шу ҳолат, яъни иш берувчи томонидан ходимга лавозимга зид вазифаларни юклаши оқибатида тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишигача бўлган зиддиятларга олиб келмоқда.

Оддий бир мисол. Ҳайдовчи З.Х. бошқарувидаги транспорт воситаси корхона томонидан сотува қўйилган. Иш берувчи эса машинаси сотилишини баҳона қилиб ҳақ тўлашдан бўйин товлайди. Ҳўш, бу ерда иш берувчи ҳақми?

Албатта, йўқ. Меҳнат кодексининг 154-моддаси талабига кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан

қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт. Меҳнат шартномасининг тарофлар келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши ҳам мумкин эмас.

Амалиётда учраётган яна бир кўнгилсизлик. Аксар иш берувчилар ходим билан моддий жавобгарлик юзасидан шартнома тузиш ўрнига, унга моддий жавобгарлик юклаб қўяди. Бу ҳам меҳнатдаги низоли вазиятга олиб келувчи яна бир ҳолатдир. Корхона А. исми шахсни иқтисодчи вазифасига ишга қабул қилиб, унга омборхона мудири вазифасини топширган. Маълум муддат ўтгач омбордаги камомад учун А. билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Иш берувчи яна ноҳақ, Чунки у билан моддий жавобгарлик шартномаси тузилмаган, омбордаги жиҳозлар унга топширилмаган. Қонуний меъёрларга амал қилмасликнинг оқибати ҳам бу.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иш берувчи ва ходим меҳнат шартномасидаги шартлари, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва жамоа шартномасига амал қилган ҳолда ўз фаолиятини олиб борсагина, меҳнат низолига ўрин қолмайди.

Феруз КАРИМОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси

Жиззах вилояти

Танлов



Ёшлиқда олган илм...

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Шароф Рашидов тумани кенгаши ҳамда туман Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида умумий ўрта таълим мактабларининг 9-11-синфларида таълим олаётган ўқувчилар учун «Ёш китобхон» танлови ташкил этилди.

Ёзувчи, адиб ва мутафаккирларнинг адабий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш мақсад қилинган танловда 4198 нафар ўқувчи иштирок этди. Танлов шартларига кўра, тест саволларига тўғри жавоб берган ҳамда битта

бадий асарни маҳорат билан шарҳлаган ўқувчилар ғолибликни қўлга киритишди. Улар Ўзбекистон касабаси уюшмалари кунини арафасида тақдирланишади.

Бахтиёр ЭШМИРЗАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Шароф Рашидов тумани кенгаши раиси

Фарғона вилояти

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

Ўзбекистон туманида йилига 450 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга цемент заводи ишга туширилди.

Мазкур йирик корхона «Shaffof Sement sanoat» МЧЖ Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси томонидан қуриб битказилди. Шу тариқа тумандаги шундай корхоналар сони 9 тага етди.

Қиймати 30 миллион доллар бўлган лойиҳанинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ эндиликда бу ерда М-400, М-500 ва М-600 маркали цемент ишлаб чиқарилади. Мухими, корхонада экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи технологиялар қўлланилган, юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

Бунёдкорлик



Ҳар гал жавонимдаги китоблар ёнига яқинлашганимда, бу кўнгил жавоҳирлари то бу ерга етиб келгунча сўз эгалари қанчадан-қанча машаққатлар тортганини ҳис этаман. Улар орасида, айниқса, «Кафисанс кўмилганлар», «Тирик руҳлар», «Жавоҳирлар сандиғи» асарлари мени муаззам хотираларга ошно этади. Ва ҳар гал бу асарларни қўлга олганимда замона тик боққан Қодирни, чақмоқдек чақнаб ўтган Усмон Носирни, йигитлик умрини юрт келажаги учун қурбон қилган Убайдулло Ҳўжаевни кўраман. Улардаги битиклар орқали хўрликлар ҳақоратлардан мусибат чеккан берух нигоҳлар оҳини, оналарнинг юракларга тошдек ботгучи фарёдларини тинглаш, тирик етим қолган болаларнинг кўз ёшларини илғаш мумкин. Зеро, ўша қора кунлар доғи ҳали унча-мунча қалблардан аримаган. Аслида қалби уйғоқларга жодиси бор замон кўрғиликларини эшитишнинг ўзи даҳшат, кўрганни-ку қўяверинг.

Шу нуктаи назардан қараганда, ўз асарлари билан халқимиз қалбидан муқим ўрин олган, ўтган асрнинг долғали кунлари азобини хўб ва кўп тортган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло Юсуповнинг ҳар бир асари ўқувчилар учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Устоз билан умрининг сўнгги йилларида кўп бор учрашдик, беназир сўхбатларидан баҳраманд бўлдик. У киши, гарчи юз билан юзлашган бўлса-да, қачон борсам, столи усти китоб-журналларга тўла бўлар, доим мутолаа билан шуғулланар, энг қизиги, бу манбаларнинг барчасини кўзойнак-сиз ўқирди. Биз билан эса эмин-эркин сўхбатлашарди.

Ўша гурунлар ҳалиям қулоқларим остида янграйди. Ҳар гал эслаганимда, ўша файзли хонадон, адибнинг Мунаввархон ая билан бирга ўтган бахтли онлари, рус ва қардош халқларнинг забардаст ижодкорлари билан учрашувлари муҳрланган фотосуратлар кўз ўнгимда гавдаланади. Тирик тарих ҳисобланган ёзувчимиз менга ошқалб шоир Устоз Носир шеърларини ўқиб, Расул Ҳамзатов, Римма Казакова, Чингиз Айтматов, Азиз Несин, Ўлжас Сулаймон билан боғлиқ гўзал хотираларини сўзлаб берар, ўзи ҳақида эса, «Менми?... Мен ҳалиям ўқувчиман!» дерди камтарона оҳангда.

Чиндан ҳам, ҳақ гапни ҳамма вақт айта олган, виждони, халқи олдида юзи ёруғ, бетакрор асарлари билан не-не қалбларни забт этган Шукруллонинг ўз асарлари орқали ҳали бизга айтар гаплари кўп, насихатлари мўл эди.

Кўйда у киши билан бўлган ва ёзиб олинган



сўхбатлардан бирини этиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим. Марҳамат, ўқинг: «Шеърларим, достону романларим менинг таржимаи ҳолиmdir. Хўжжатларда ёзилишича, 1921 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрининг Шайхондотқор даҳасига қарашли Олмазор маҳалласининг Эски Урда кўчасида туғилганман. Отам ҳам, онам ҳам диний ва дунёвий билимлардан бохабар бўлишган. Отам Юсуфхўжа қори эмчи бўлганлар. Йиллар ўтиб, қамалишимга отамнинг ана шу «диндор»лиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилган.

Онам Зайнабхон отиний бўлганлар. Қуръонни ўқиганлар, Фузулий, Навоий асарларини яхши кўрганлар. Маҳалла болаларига сабоқ берганлар. Бошқа отинийлар «алиф, бе, те» деб ёдлатиб ўргатишса, олим ҳарфларнинг ёзилишини ҳам ўргатардилар. «Болаларимиз саводли бўлишлари керак», дердилар доим.

Бизнинг шажарамиз илми бўлган. Эшитган-дирсиз, холамнинг ўғли Убайдулло Ҳўжаев миллат номини ҳаётидан азиз қўйган инсон бўлган. Она ҳақида сўзлаш эса ҳаммиша мароқли. Ўзгача меҳр-муруват тўла нигоҳларни эслаш юрагингда болаликнинг ажиб онларини уйғотади. Бу бош нималарни кўрмади, дейсиз.

Адабиётга қизиқишимда ўша паллада гурқираб майдонга чиққан Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитратларнинг таъсири бўлган, албатта. 1936-1937-йилларда педагогика билим юрти талабаси эдим. Усмон Носир ўша даврнинг энг севикли шоири саналарди. «Юрак», «Меҳрим» каби

китоблари ўқувчилар қўлидан, таъриф-таъсифи тиллардан тушмасди. Кейин у бирдан халқ душмани бўлиб қамалди, деган гап тарқалди. Комсомоллар йўғилишида уни лаънатлаб, кимнинг қўлида китоблари бўлса, ёқиб ташлашни таъкидлашди... Замон жуда таҳликали эди. Вақтида биз шоирнинг шеърларини севиб ёдлаганимиз учун ҳам жавоб берганимиз.

Кейин даврнинг силсиласи бизгаям етиб келди. Қамоққа тушганимда ўттизга ҳам кирмагандим. Иккита болам бор, хотиним яна ҳомилдор эди. Бу йўлда мен билан ёнма-ён туриб, қийинчилигимга бардош берган аёлни эсламай ўтсам бўлмас. Мунаввархон жуда сабри ва ақлли аёл эди. 1951 йилнинг январь ойида уйни махсус кишилар тинтув қилиб, мени олиб кетишгач, суд 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. 5 йил деганда айбсиз айбдор бўлиб, «жазони ўтаб» қайтдим.

Ўша кезлар кўрмаган хўрликларим қолмади. Юртдан олисда, инсон зотида, шаънига зид қилмишлар, тўхмат ва ҳақоратлар, алдов ва зўра-

Хотира

вонликларни кўриб, ҳаёлимда ғўғон ўйнаган «Мен ноҳақ қамалганимни ортимдагилар, халқим, яқинларим билишармикан, менга ишоншармикан, аёлим шунча йил кутармикан?» деган азобли ўйлар, беадоқ саволлар исканжасида яшадим.

Қамоқдаги хўрликлар бир томон, шум ҳаёллар бир томон бўлиб юрганымда Мунаввархондан хат олдим. У «Шукрулло ака, ноумид бўлманг, йигирма беш йил ўтади-кетади. Чиканнингизда бор-йўғи эллик тўртда бўласиз. Болаларимиз энди атак-чечак қилаётибди. Қамоқдан чиққанингизда уларнинг уйланадиган, турмушга чиқадиган вақти бўлади. Келишингиз биланоқ тўйлар қиламиз», деб ёзибди денг. Буни қаранг, аёлинг жасоратини кўринг. Бу қадар ҳаётсеварлик, матонатли, бардошли бўлиш ҳазилакам гапми, қизим.

Мен ноҳақ қамалиб, қанча ўқубатлар кўрган бўлсам, аёлимга ҳам гоҳ «халқ душманининг хотини», Ёзувчилар союзидан нажот кутганида, «Йўқол, биз ҳеч қандай Шукруллони танимаймиз!» деган ҳақоратларга чидаш осон бўлмаган. Уч болани очлик, қаҳатчиликдан эсон-омон олиб чиқиш, фарзандларимни мен билан учраштириш учун олиб келганда терговчиларнинг дашномларига чидаш...

Ниҳоят, қамоқдан қайтдим. Бир ўғил ва икки қизни вояга етказдик. Ўғлим Абдуғафур химик, қизларимдан Хуришда шифокор, Умида электрон машиналар инженери бўлди. Учаласи ҳам ўз соҳаси бўйича фан номзоди ҳозир.

Ўтган умримга назар солиб, инсон матонати ҳақида ўйлайман. Синовларда мардонга бўлиш, ҳаммиша тўғри гапни айтиш ҳаммасидан муҳими аслида».

Наргиза АСАДОВА,
журналист



МУАССИС:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(Тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўхроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов
Мусаҳҳиллар:
Д. Худойберганава,
Д. Равашанова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 05:00
Топширилди – 05:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табақ. Бунюртга Г-1106 31232 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Самарқанд вилояти

Тўйғу



Илҳом Регистон майдонида келганида оқшом чўкканди. Ён-атрофга қараб, кўзлари қамашди. Турфа рангдаги ёриткичлар камалакдек жилоланар, майдон ажиб бир тароват оғушида эди. Кимдир дам олишга, жаннатмонанд гўшага сайр қилишга чиққан..

Ёнгинасидаги ўриндиқда маънавиятга доир ташиқлотда ишлайдиган Ойбекка кўзи тушди. У нималарнидир ёзиш билан машғул эди. Мозийга қизиқиши зўрлигини, аждодлар хоки ётган жойга келишни қанда қилмаслигини яхши билгани учун ажабланмади. Икковининг сўхбати авж олди.

– Биласизми, майдоннинг орқа тарафига Шайбонийхоннинг бошсиз танаси дафн этилган. Юринг, сизни ўша жойга олиб бораман, – деди Ойбек.

Улар майдоннинг орқа тарафига ўтдилар. Регистон бу жойдан янада маҳобатли кўринар, мусика садолари янгра, минглаб одамлар Бибиҳоним мадрасасига, Регистон майдонида талпинишар эди.

Ойбек шеригига қараб турар экан, ҳаяжонини яшира олмади. Илҳом ҳам тўлқинланиб кетди. Улар атрофни кузата бошлашди. Нариги ўриндиқда бир неча нафар ёшлар ўтирарди. Бироздан сўнг улардан бири келиб, ўзини таништирди. Иسمى Жавлон, сурхондарёлик экан. Дўстлари билан Самарқандга саёҳатга келишибди.

– Бу улуг жойлар, тарихий обидалар ўтмиши ҳақида маълумоти-

миз кам, – деди у. – Сўрай десак, ҳозир кечки пайт, мутахассислар ҳам йўқ. Агар билсангиз, бизга озоқроқ тушунча бериб юбора олмайсизларми?

Илҳом бажонидил рози бўлди. Регистон майдони, Бибиҳоним мадрасаси, Амир Темурут мақбараси ва умуман бу ердаги ҳар бир обида тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлади. Меҳмонлар тарихий жойлар, аждодларимиз ўтмишига доир қизиқарли ҳикоялар эшитгач, уларга қайта-қайта миннатдорлик билдириб, хайрлашдилар.

– Ўзбек халқи дунёдаги энг бахтли миллатлардан, – деди Ойбек уларни кузатиб қолар экан. – Юртимизда қанчадан-қанча осори-атиқалар, мухташам тарихий иншоотлар, обидалар бор. Хориждан келган сайёҳларнинг ҳам ҳайратларига кўп гувоҳ бўлганман.

...Илҳом яна Регистон майдонида боқди. Тун яримлаб бораётганига қарамай, минглаб одамлар ҳамон афсонавий гўша ҳайратлари билан майдонда кезар эди...

Мавлуда РЎЗИЕВА,
Иштихон туманидаги
48-мактаб тарғиботчиси

Ассалому алайкум! Эфирда бахтсиз ҳодисалар шарҳи билан «Ошқовоқ» информацион дастури. Студияда бошловчилар Майна ЧАЙНАЕВА ҳамда Тўтибой ЛЎТТИБОВЕВ. Дастуримизни дастлаб ижтимоий тармоқларни ларзага келтирган фожиадан бошлаймиз. Махсус муҳбиримиз воқеа жойидан хабар қилади.



Нимҳазил

АҒДАРИЛГАН ЧУМОЛИ ВА ХОТИНБОЗ ХЎРОЗ

Баъзи теледастурларга ўхшатма

МУХБИР: Кишга ғамлаш учун бир донга бугдойни орқасига қараб тортиб кетаётган Чумоли куни кеча соат тахминан 10 лар атрофида тўйимли тушликдан сўнг маза қилиб сигарет чекаётган Айиқнинг орқасига келиб урилган ва мувозанатини йўқотиб ағдарилиб кетган. Шундай катта тўқнашувни Айиқ мутлақо сезмагани боис интервью беришдан бош тортиди ва лўнда қилиб «Кўзига қараб юрса ўладими?» деди. Зарб натижасида Чумолининг орқа ўнг оёғи жароҳатланган. Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича терговга қадар суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Аммо бу ерда баъзи саволлар пайдо бўлади. Хўш, ўрмондаги нуфузли идоранинг бошлиғи бўлмиш Айиқ тушлик таомни ўз пулига олганими ёки бирор шўринг кургурни қон қақшатганими? Бизнингча, бу саволга жавоб топиш учун хизмат текшируви ўтказиш керак. Яна бир гап. Чумолига биринчи ёрдам кўрсатган шифокор Қўнғизнинг айтишича, унинг жароҳати ўтган йиллардан қолган бўлишиям мумкин. Чунки бунақа ағдариллишлар унинг ҳаётида жуда кўп бўлган. Шунинг учун жониворлардан катталар атрофида орқаси билан юрмасликларини сўраб қоламиз.

Олашақшақ УПКАЕВ, Ташбақа ТЎНКАЕВ, «Ошқовоқ» дастури учун махсус. БОШЛОВЧИ: Дастуримизни яна бир фожеа тафсилоти билан давом эттирамиз. «Эр-хотиннинг уриши – доқа рўмоннинг қуриши» дейдилар. Ҳозир шу ҳақда.

МУХБИР: Бугун эрталаб хотинбоз Хўроз ўз жуфти халоли 50 та жўжанинг онаси бўлмиш Макиёнойни ҳақорат қилгани ҳақида шов-шувли хабар тарқалди. Биз зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, ўрганишга киришдик. Бизнинг келганимиздан хабардор бўлган мутасаддилар шу заҳоти бирин-кетин атрофда пайдо бўлишди. Қош-қўзларини бўяб, сузилиб турган Оласигирнинг айтишича, Макиёной Хўрознинг қирқинчи хотини экан. У кейинги пайтларда эрига мунтазам равишда хиёнат қилиб, уяли телефонда кўшнисни Бабақбой билан «сирлашиб» тураркан. Хўроз уларни «шакарғуфторлик» қилаётганда, ётоқда ушлаб олиб, ҳақоратлаган ва қирқ биринчи хотининикига кетиб қолган. Ҳозирда бу воқеа бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Хўрознинг талаби билан жўжаларнинг оталигини аниқлаш бўйича ДНК текшируви ҳам тайинланган. Жанжалнинг қандай яқун топгани ҳақида кейинги дастурларимизда хабар қиламиз.

Қурбақа ҚУРИЛЛАЕВ, Чигиртка ҚУРИЛЛАЕВ, махсус «Ошқовоқ» дастури учун.

БОШЛОВЧИ: Дастуримизни шу ерда якунлаймиз. Чунки сизни олдинда «Кўшнисига ўхшаган болалар» номили 5000 қисмдан иборат сериал кутиб турибди. Дарвоқе, ушбу сериал бошланганида туғилган болалар бугун оила қурапти. Саломат бўлинг!

Дастурни ёзиб олувчи:
Ёр МУҲАММАД